

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ  
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ  
“ЗУМРАД” АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР МАРКАЗИ

# ШУКРОНАЛИК – ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК АСОСИ

мавзусида Республика илмий-амалий конференция  
материаллари  
2023 йил, 21 октябрь.



“БУХОРО- НАШР”,  
2023

## ЯРАТГАН ОДАМЗОТИГА БЕРГАН МЕЪЁР

Гулбаҳор Камиловна ЗАРИПОВА,  
БухДУ доценти, педагогика фанлари номзоди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинким, бизларга хуррият замонида яшаш тақдир қилди. Бу гўзал юртда истиқомат этишни, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев меҳр-оқибатида баҳра олиб яшашни тақдир насиб этди.

Дарҳақиқат, айни замонда дунёнинг қай бир нуқтасига назар солманг, у ердаги ҳолатлардан инсон қалби хира тортади. Яратганга беҳисоб шукрки бизнинг ўлка алломалар юрти, муқаддас заминдир. Шу сабаб бизлар уларнинг издошлари эканмиз уларнинг ҳаёт йўлларини ўзимизда мужассамлаштирмоқлигимиз лозим.

“Шукр” деганда кўпчилигимиз “Ўзинггашукр”, “Алҳамдулиллаҳ” деб айтишни тушунамиз. Тўғри, булар ҳам шукр. Булар лафзий шукр ҳисобланади. Яъни шукрнинг тилда айтиладиган туридир. Ҳар қандай неъматга сўз орқали шукр қилинганда, ўша неъмат зикр қилиниб, масалан, “Фалон неъматни берганинг учун шукр” деб шукр адо этилаверади.

Хўш, биз нимага шукр қилишимиз керак ўзи? Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) «Худо берган неъматларга шукр қилгин», деб ёзади. Отаҳийда эса шундай байт бор:

Кишида лозим эрур ҳар на ҳолда шукр,  
Хоҳ камолда бўлсин, хоҳ заволда шукр.

Мана бу гапни эса Суқрот айтиб кетган: «Неъмат ва давлатингиз бор пайтда шукр бажо келтириб, бошингизга қийинчилик тушган вақтда сабрни ўзингизга йўлдош қилинг. Сабр ҳар бир енгилликнинг очқичи бўлиб, неъматга шукр қилиш давлат ва осойишталикнинг кўпайишига сабаб бўлади». Хўш, ўзи биз нимага шукр қилишимиз керак? Худо берган неъматлар недир?

Биринчиси – тирикчилигимиз, ҳар тонг нафас олиб кўз очишимизга; Иккинчиси – фақат инсонгагина берилган тил, кўзу қулоқ ва ақлимизга; Учинчиси – Она Ватанимиз мустақил ва фаровон юрт эканлигига; Тўртинчиси – оиламиз, ота-онамнинг борлигига ёки

бўлганлигига; Бешинчиси – яшашимиз учун яратилган табиий неъматларнинг беқиёслигига; Олтинчиси – тоза осмонимиз, тинч ҳаётимиз борлигига; Еттинчиси – соғлом вужудимиз ва меҳри қалбимизнинг борлигига; Саккизинчиси – хоҳлаган касб соҳасида фаолият юритиш эркинлигига эгалгимизга беқиёс шукроналик келтирсак арзийди.

Шукр қилиш қалбимизда қандай кечяпти ўзи? Йўқ, шукр қилиш айримлар ўйлаганидек, “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” дегани эмас. Шукр қилиш, энг аввало, Худо берган меъёр асосида яша, ҳаддингдан ошма, деганидир. Сен шундан ортиқча иноятга муносибмисан, ёки берилгани билан кифояланасанми, ўйлаб кўр, бир хулосага келгач, яна эҳтиёжингга яраша талаб қил, дегани.

Шукр қил дегани, сенга берилган инояту неъматларни аввало ўзингга қабул қила бил, дегани. Қабул қилиш эса Худо сенга ақл, тил, кўз, қулоқ берган, уларни ишлатиб, яшаб кўр, атрофни кузат, одамларни ўрган, улардан ибрат ол, савоб ишларга қўл ур, ана ўшандан кейин ўзингга яна нима кераклигини ўйлаб кўр, Худо берган яна бир иноят – ақл ва фикр билан мулоҳаза юрит, ҳаётингдаги муаммоларга ечим топ, бу ечимни қандай ҳал қилишни ўрган, дегани. Зарур келганида Она юртингнинг ривожланишига қўлингдан келганича ёрдам бериб она юртинг халқидан дуо ол дегани албатта.

Шахсан мен шу дунёга келганимдан бери менга илм берган ва мени элга танитган устозларимдан беҳисоб миннатдорман. Бу устозларимни сизга таништиришни жуда хоҳладим, булар аваламбор падари бузрукворим педагогика фанлари доктори, профессор Комилжон Зарипов, кейин волидаи муҳтарамам психология фанлари номзоди, доцент Муҳаббат Турсунова, ундан сўнг эса фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Наврўзова, Садриддин Салим Бухорий, п.ф.д., профессор Муҳаммад Қуронов, п.ф.д., проф. Б.Р. Адизов, проф. С.С.Қаҳоров, проф.Ш.Олимов, проф.Р.Г.Исянов, проф. Ҳ.Комилов, проф.И.Ҳаққулов, проф.К.Ҳошимов ва бошқа жуда кўп юртимиз олимларидирлар. Шу дунёмизда шундай мўътабар, буюк, забардаст олимларимизнинг борликларидан, бўлганликларидан мен бахтиёрман ва Яратганга шукроналар келтираман, уларга муносиб шогирд бўлишга мунтазам ҳаракат этаман.

## МУНДАРИЖА

<b>Жобир домла Элов.</b> Мустақиллик – улуғ неъмат.....	4
<b>Ахмедова Ш.Н.</b> Шукроналик – қалб зийнати.....	6
<b>Саломова Ҳ. Ю.</b> “Шукр” тушунчасининг фалсафий моҳияти.....	10
<b>Наврўзова Г. Н.</b> Шукроналик – Баҳоуддин Нақшбанд камолотининг асоси.....	13
<b>Юнусова Г. С.</b> Шукроналик асоси – сабр.....	20
<b>Каримов Б.</b> Шукроналик, бирлашиш негизи меҳрликда.....	23
<b>Masharipova G. K.</b> Hadislarda insonlarga savob ish qilish va kunimizga shukronalik hissini tuyish tuyg`usi.....	27
<b>Шарипова О. Т.</b> Тасаввуфда “шукр ва таваккул” ҳақида. ....	31
<b>Маҳмудов Р. Ж.</b> Янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялашда тасаввуф таълимотининг ўрни. ....	34
<b>Алимов Х. М.</b> Тасаввуф психологиясида руҳ ва психика масалалари.....	38
<b>Қамбаров А. А.</b> Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифларда келтирилган “шукроналик” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	41
<b>Пардаева М. Д.</b> Хожагон-Нақшбандияда илм-маърифат ҳақидаги қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	47
<b>Озод МЎЪМИН ХЎЖА.</b> Тасаввуфий шукроналик.....	50
<b>Rahmatova X. X.</b> Naqshbandiylik ta’limotida rizo – shukronalikning asosidir.....	54
<b>Зарипова Г.К.</b> Яратган одамзотига берган меъёр.....	57
<b>Гуламова М. Т.</b> Мустақиллик шарофати туфайли Кумушхонавий меросининг ўрганилиши.....	59
<b>Rahmatova X. X.</b> Shukronalik - ixtiloflarni hal etish va murosaga kelishning maqbul yo’lidir.....	62
<b>Зарипова Г. К.</b> Шукр қилиш ҳар бир миллат ва динга хос қадрият.....	65
<b>Кенджаева З. А.</b> Илк жаҳон динлари ва фалсафий қарашларда шукроналикка мунособат.....	67
<b>Қодиров Д. Ҳ.</b> Қушайрийнинг “Рисола фит-тасаввуф” асаарида шукрнинг талқини.....	74